



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
2-сон



**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев</b> Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққиётга таъсири	5
<b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ҳрозов</b> Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
<b>Ҳасан Абдусаитович Рахимов</b> Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
<b>Bekniyoz Baxtiyor o'g'li Suvonov</b> Ho'jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlari	18
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Фароғат Болтаевна Шакирова</b> Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
<b>Азамат Абдукаримович Касимов</b> Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
<b>Тухта Даминович Маматкулов</b> Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
<b>Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova</b> Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
<b>Шаҳноза Суёновна Рузиева</b> Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева</b> Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
<b>Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов</b> Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва ҳудудий таҳлил	52
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Шодиёр Абдихалилович Султонов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
<b>Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva</b> O'zbekiston temir yo'llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo'shimcha omillarni hisobga olish	65
<b>Асқар Ахрорович Сиддиқов</b> Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов – Фарғона политехника институти  
катта ўқитувчиси, PhD

## САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИДАГИ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР: МИЛЛИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАҲЛИЛ

**Аннотация:** мақолада Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари экспортининг динамикаси таҳлил қилиниб, омиллар таъсири асосида унинг ўзгариш тенденциялари ҳудудлар кесимида ўрганилган ҳамда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича айрим таклифлар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** халқаро савдо, саноат маҳсулотлари экспорти, саноат инқилоби, экспорт салоҳияти, саноат сиёсати, халқаро савдо деформацияси, ҳудудий экспорт.

**Кириш.** Жаҳон савдосидаги сўнгги тенденциялар кўрсатмоқдаки, COVID-19, Украинадаги урушнинг жаҳон иқтисодиётига, хом ашё нархларига, инфляцияга таъсирида товарлар тақчиллиги ва таъминот занжиридаги узилишлар юзага келмоқда. 2021 йилда ўртача нархлар 15 %га ошиши, глобал товарлар савдоси ҳажмининг 9,8 %га ўсиши таъсирида глобал товарлар савдоси қиймат жиҳатидан 26 %га ўсди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларидан бошлаб ҳар жабҳада кенг қўламли, пухта ўйланган ва истиқболли ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустақамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, таълим сифатини яхшилаш ана шу ислохотларнинг энг устуворлари десак муболаға қилмаган бўламиз.

Мамлакатимиз саноат сиёсати саноатни қўллаб-қувватлашга ва барқарор ўсишига йўналтирилган иқтисодий, сиёсий ва ташкилий тадбирларнинг мажмуи ҳисобланганлиги боис, унинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланиши, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаровонлигини ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш асосида экспорт ҳажмини оширишдан иборатдир. Фарғона вилоятида ҳам иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратишга, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришга йўналтирилган. Вилоятнинг ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан, ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси экспорт салоҳиятини ошириш орқали жаҳон бозорида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Илёсов, А. (2021). Саноат маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда кластерли ёндашувга асосланган механизмлардан фойдаланиш истиқболлари ўрганилган [1].

Илёсов, А. А. (2020). Саноат маҳсулотлари экспортининг мамлакат ва ҳудудий даражадаги таҳлили асосида айрим амалий таклифлар ишлаб чиқилган [2].

Илёсов, А.А. (2022). Саноат маҳсулотлари экспорти ҳудудий таҳлил қилинган, омиллар ва экспортдаги тенденциялар ўрганилган [3].

Курпаяниди, К. И., & Илёсов, А. А. (2020). Пандемия даврида жаҳон ва ҳудудий саноат маҳсулотлари экспортига таъсир қилувчи омиллар тадқиқ қилинган [4].

Курпаяниди, К. И., & Илёсов, А. А. (2022). Тадқиқот ишида саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари ўрганилган [5].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда тизимли таҳлил, синтез, статистик гуруҳлаш, абстракт-манتيкий фикрлаш, эксперт баҳолари ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Мамлакатимизда саноат тармоғининг ривожланиши илмий-техник тараққиёт ва инновацион фаолиятни жадаллаштиради, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнларининг объектив қонуниятлари ва ўзгаришларига мослашувчанлигини янада ошириб боради. Шу сабабли, саноат тармоқларига инвестицияларни ва инновацион технологияларни кенг қўламда жорий этишга катта эътибор қаратилиб, саноат тармоқларини изчил ривожлантиришга эришилмоқда.

Мамлакатимиз ва МДХ мамлакатларининг 2016-2021 йиллардаги саноат маҳсулотлари экспортдаги динамика таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Россия Ҳамдўстликнинг ¾ қисмига эгалик қилмоқда [7, 105-б]. Мамлакатимиз эса пандемиядан кейинги даврда 0,7 фоиз пункт пасайиш қайд этган бўлса-да, қиймат жиҳатдан ижобий ўзгариш кузатилмоқда. МДХ мамлакатлари ташқи савдо муносабатларида Россия Федерациясининг яққол етакчи эканлигини кузатиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

2016-2021 йилларда МДХ мамлакатлари саноат маҳсулотлари экспорти динамик таҳлили, млн. АҚШ доллари

№	Давлат номи	2019		2020		2021	
1.	Арманистон	2640	0,5	2544	0,6	3023	0,5
2.	Озарбайжон	19635	3,5	13733	3,0	22207	3,4
3.	Беларусь	32955	5,8	29179	6,4	39762	6,1
4.	Грузия	3798	0,7	3343	0,7	4242	0,6
5.	Қозоғистон	57309	10,1	46447	10,2	60625	9,3
6.	Қирғизистон	1986	0,4	1973	0,4	1659	0,3
7.	Молдова	2779	0,5	2467	0,5	3144	0,5
8.	Россия	419721	74,1	333374	73,4	493820	75,5
9.	Тожикистон	1174	0,2	1407	0,3	2150	0,3
10.	Туркменистон	10539	1,9	6545	1,4	9212	1,4
11.	Ўзбекистон	14024	2,5	13097	2,9	14081	2,2
<b>Жами</b>		<b>566562</b>	<b>100,0 %</b>	<b>454110</b>	<b>100,0 %</b>	<b>653924</b>	<b>100,0 %</b>

Жаҳондаги экспорт жараёнлари ва ундаги тенденцияларни чуқур ўрганиш асосидагина аниқ бир хулосага келиш ҳамда салбий таъсирларни камайтириш борасидаги ислохотлар асосида самарали натижага эришиш мумкин. Халқаро савдонинг деформацияси, яъни “АҚШ-Хитой савдо уруши” натижасида Хитойнинг АҚШдан импорти чекланиши ва пандемик инқироз шароитида таъминот занжиридаги узилишлар иқтисодий фаолликнинг пасайишига таъсир кўрсатди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, Хитой бозори учун АҚШ етказиб бераётган импорти чекланган товар ва хизматлар ўрнини эгаллашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг берган маълумотларига асосан, 2021 йил январь-декабрь ҳолатига қўра мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида 17,7 % улуш Хитой ҳиссасига тўғри келади. 2021 йилда ушбу мамлакатга экспортимиз энг юқори кўрсаткич, яъни 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди ёки 130 % ўсиш қайд этилди. Экспортнинг асосий қисми саноат товарлари, олтин, хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда Хитойдаги танглик ҳолати мамлакатимиз иқтисодиётига импорт қилаётган машина ва транспорт асбоб-ускуналарнинг 51 % дан 32,4 %га камайиши билан боғлиқ ҳолат саноат маҳсулотлари экспортига қуйидаги хавф-хатарларни юзага келтириши мумкин [7, 26-б.]:

- машина ва ускуналар, бутловчи қисмлар ҳамда хом ашё маҳсулотлари импортининг камайиши саноат ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. 2021 йилда Фарғона вилоятининг Хитойдан машина ва асбоб-ускуналар импорти 61,6 % ни ташкил этган. Трикотаж, пойафзал, синтетик толалар, мебел фурнитураси ва полиэтилен хом ашёсининг асосий қисми, шу билан бирга юқорида айтиб ўтганимиздек, импорт қилинаётган машина ва ускуналарнинг асосий қисми Хитойдан олиб келинади;

- технологик ускуналар импортидаги муаммолар эса асосий капиталга инвестициялар ўсишининг пасайишига ёки камайишига олиб келиши мумкин. Ушбу маҳсулотлар импортининг 36,3 %и Хитойдан амалга оширилади;

- Хитойдаги ички талабнинг пасайиши натижасида айрим маҳсулотларимиз экспортининг камайиши. 2021 йилда табиий тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 21,7 %и ушбу мамлакатга бўлган.

Юқоридаги шароитда, бошқа ташқи савдо ҳамкорларини қидириб топиш муайян вақт

талаб қилиши ёки умуман имконсиз ҳам бўлиши мумкин. Хитойда пандемиянинг узок давом этаётган оқибатлари, экспортнинг қисқариши ва иқтисодийнинг айрим тармоқлари - да тартибга солиш жараёнларининг кучайтирилиши фонида 2022 йилда иқтисодий ўсишнинг секинлашиши (потенциал даражага, тахминан 5-5,5%) прогноз қилинмоқда [4, 2-б.].

Хитойдаги COVID-19 пандемик инкирози билан боғлиқ вазият асосий савдо ҳамкорларимиз иқтисодиётидаги ҳолатнинг ёмонлашуви орқали ҳам билвосита таъсир кўрсатиши мумкин.

2011-2020 йилларда саноат маҳсулотлари экспортининг таҳлили ушбу даврда нотекис динамика қайд этилганлигини кўрсатмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Фарғона вилояти туманларидаги саноат маҳсулотлари экспортининг 2012-2020 йиллардаги ривожланиш динамикаси, минг АҚШ доллар**

Йиллар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Фарғона вилояти</b>	<b>335740,6</b>	<b>343927,7</b>	<b>362837,9</b>	<b>289100,0</b>	<b>320967,8</b>	<b>365143,5</b>	<b>336156,2</b>	<b>337182,9</b>	<b>347836,5</b>
Марғилон ш.	3078,5	3922,0	1989,8	5160,2	8446,2	9565,7	11659,6	10327,1	16496,6
Фарғона ш.	152782,3	137958,4	138269,0	79586,0	94148,5	81937,3	45684,0	38973,4	18295,1
Кувасой ш.	3333,5	3715,5	2399,9	812,6	707,6	4189,5	2576,0	4972,9	7946,5
Кўкон ш.	37061,6	65416,2	105848,9	93078,2	74406,7	102903,9	109903,1	106989,6	98278,9
Бағдод	6119,9	2826,2	2696,0	1432,3	929,8	1397,6	997,0	2045,8	3822,4
Бешарик	9330,8	9101,6	5239,7	4881,2	3968,5	4206,7	3462,8	4112,9	2523,7
Бувайда	0,0	22,0	699,0	46,9	71,3	7111,4	545,7	6635,7	2905,9
Данғара	23209,9	41385,5	33280,4	40735,8	25081,4	2266,7	5490,9	7886,5	9597,7
Ёзёвон	0,0	0,0	0,0	1178,2	0,0	109,1	66,8	465,4	1830,7
Олтиарик	208,77	186,25	694,00	1156,20	1159,95	2188,85	1689,74	2607,07	5015,9
Кўштепа	120,1	325,3	372,3	155,5	98,9	68,3	74,6	1401,7	5147,6
Ришгон	5651,6	6552,3	6882,2	6129,1	7844,2	8936,4	6867,4	7826,7	5665,1
Сўх	0,0	0,0	0,0	0,0	496,4	1115,1	1525,0	1203,6	1480,5
Тошлоқ	101695,9	95984,5	78893,6	71593,8	94444,1	118970,1	119438,3	111287,6	93133,8
Учкўприк	4720,0	4651,9	3275,7	1507,1	3336,1	3126,7	1548,5	6367,3	18563,7
Фарғона	0	1,07	6,078	32,278	1899,2	4261,581	6230,245	5796,5	7785,9
Фурқат	343,5	503,9	450,5	468,4	899,9	601,4	642,9	871,1	6021,1
Ўзбекистон	5524,2	774,6	2447,7	294,0	613,7	990,4	653,2	2334,6	2632,1
Кува	1966,5	2832,9	3471,3	11727,3	16572,8	14681,3	29043,5	24305,5	13197,1

Ўрганилаётган даврда саноат маҳсулотлари экспорти кўрсаткичи таҳлили кўрилатган даврда унинг маълум тебранишлар асосида ўзгарганлигини кўрсатади. Яъни, 2013, 2014, 2016, 2017, 2019 йилларда ўтган даврга нисбатан ўсиш кузатилган бўлса-да, 2012 йилга нисбатан олганда 2020 йилда саноат маҳсулотлари экспорти сезиларли даражада камайган. Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, саноат маҳсулотлари экспорти 2011 йилда 372509,2 минг. АҚШ доллари, 2020 йилда эса 347836,5 минг. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, -47935,4 минг. АҚШ долларга камроқ ёки 12,2 %га пасайганлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида миллий иқтисодий даражасида валюта сиёсатининг либераллаштирилишини кўрсатиш мумкин [6, 5-б.].

2021 йилда Фарғона вилояти экспорти 144,0 % ўсиш қайд этган ҳолда мамлакатимиз экспортида 4,8 % улушга эга бўлиб, 4-ўринни қайд этган. Экспорт таркибида энг юқори саноат маҳсулотлари 51,2 %ни ташкил этмоқда. Республика каби вилоятда экспорти ҳудудлар кесимида жуда ҳам нотекис ривожланганлигини кўриш мумкин. Масалан, 2021 йил якунларини таҳлил қиладиган бўлсак, вилоят жами саноат маҳсулотлари экспортида 5 %дан юқори улушга эга ҳудудларнинг ҳиссаси 69,1 %ни, яъни Кўкон шаҳри (20,2 %), Фарғона шаҳри (17,3 %), Тошлоқ тумани (10,2 %), Учкўприк тумани (10,0 %), Олтиарик тумани (6,0 %) ва Ёзёвон тумани (5,3 %)ни ташкил қилмоқда., Ришгон (1,3 %), Бувайда (1,3 %), Фурқат (1,2 %), Бағдод (1,1 %), ва Сўх (0,2 %) туманларининг улуши эса 2 %га ҳам етмаган.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, яқин йилларга қадар вилоят саноат маҳсулотлари экспорти ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини тўла

акс эттира олмаган. Мавжуд имкониятларимизни янада тўлиқроқ ишга солиш, етакчи экспортёр корхоналар томонидан орттирилган амалий тажрибадан фойдаланиш ҳамда қуйидаги таклифларни ҳаётга татбиқ этиш асосида биз экспорт салоҳиятимизни янада оширишимиз, халқаро савдодаги ўрнимизни мустаҳкамлашимиз мумкин:

- 2023 йилда экспорт фаолияти билан шуғулланган ҳудудий саноат корхоналари ва тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш орқали экспорт ҳажмларини ошириш;
- 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида ишга туширилган саноат лойиҳаларини экспорт фаолиятига жалб этиш чораларини кўриш;
- импорт қилинган машина ва ускуналарни тўлиқ ўз вақтида ўрнатиш чораларини кўриш ҳамда мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга чиқариш;
- экспортни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ривожлантириш зарур;
- Халқаро савдо администрацияси (International trade administration), яъни хорижда миллий экспортёрлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва экспорт хизматларини кўрсатиш тизимини яратиш;
- Жанубий Корея, Уммон ва Латвия бозорларини чуқур ўрганган ҳолда, ушбу бозорларга кириш чораларини ишлаб чиқиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Piyosov, A. (2021). etc.(2021). Prospects for the use of mechanisms based on the cluster approach in the development of exports of industrial products.
2. Piyosov, A. A. (2020). Industrial and regional analysis of industrial production and export in Uzbekistan. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 5(10), 173-179.
3. Piyosov, Asrorjon Axrorjon o'g'li (2022). Sanoat mahsulotlari eksporti: hududiy tahlil, omillar va eksportdagi tendentsiyalar (Farg'ona viloyati misolida). Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali, 2 (1), 31-40. doi: 10.5281/zenodo.6089956.
4. Kurpayanidi, K. I., & Piyosov, A. A. (2020). Koronavirus pandemiyasining jahon va hududiy sanoat mahsulotlari eksportiga ta'siri: muammo va takliflar. “Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotining makroiqtisodiy barqarorligini ta’minlash: muammolar, tahlillar va natijalar” mavzusida Respublika miqyosida onlayn, ilmiy masofaviy konferensiya materiallari.
5. Курпаяниди, К. И., & Илёсов, А. А. (2022). Саноат маҳсулотлари экспортининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Фарғона вилояти саноат тармоғи мисолида)// Монография. Al-Ferganus, 2022. ISBN 978-9943-7707-5-1. – DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.6618980>
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Фарғона вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари.
7. World Trade Statistical Review 2022. Published by the World Trade Organization Report designed by Large Network (largetnetwork.com). ISBN 978-92-870-5352-7 (print) ISBN 978-92-870-5353-4 (PDF). ©World Trade Organization 2022. [https://www.wto.org/english/res\\_e/publications\\_e/wtsr\\_2022\\_e.htm](https://www.wto.org/english/res_e/publications_e/wtsr_2022_e.htm)

<p><b>А.Илёсов</b></p> <p><b>Основные тенденции промышленного экспорта: национальный и региональный анализ</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В статье проанализирована динамика экспорта промышленной продукции Ферганской области, изучены тенденции его изменения в зависимости от влияния факторов в регионе, а также выделены существующие проблемы и некоторые предложения по их устранению.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> международная торговля, экспорт промышленной продукции, промышленная революция, экспортный потенциал, промышленная политика, деформация международной торговли, региональный экспорт.</p>	<p><b>А.Пiyosov</b></p> <p><b>Main trends in industrial exports: national and regional analysis</b></p> <p><b>Abstract:</b> In the article, the dynamics of the export of industrial products of Fergana region is analyzed, the trends of its change based on the influence of factors are studied in the region, and the existing problems and some suggestions for their elimination are highlighted.</p> <p><b>Keywords:</b> international trade, export of industrial products, industrial revolution, export potential, industrial policy, international trade deformation, regional export.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023